



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 декабрь, № 254-255 (9149-9150)

Жума

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари сафарининг биринчи манзили Сирдарё туманидаги “River Med Pharm” корхонаси бўлди.

Мазкур корхона мамлакатимизда инфузион дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмаларнинг 20 фоизи айнан ушбу корхонага тўғри келади.

Бундай дори воситалари бемор ҳаёти учун энг муҳим тиббий маҳсулотлардан бири саналади. Уларни тайёрлаш оддий таблеткалар ишлаб чиқаришдан анча мураккаб. Чунки бу турдаги эритмалар тўғридан-тўғри қон томирларига юборилади. Демак, улар мутлақ стерил шароитда, юқори аниқлик ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлаб чиқарилиши шарт.

Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллардан ортиқ бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 750 нафар одам доимий иш билан таъминланган. Корхона йилига 135 миллиард сўмлик қийматда 70 турдаги, умумий ҳисобда 114 миллион дона дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларнинг 20 фоизи экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро рақобатбардошлигини кўрсатади.

Ноябрь ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари янада кенгайтирилди. Корхона 30 миллион дона инфузион эритма, 70 миллион дондан ортиқ куруқ

антибиотиклар ва қарийб 20 миллион дона кўз-бурун томчиларини ишлаб чиқаради.

Давлатимиз раҳбарига корхона маҳсулотлари ва навбатдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Келгусида корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари 200 хилга етказилади. Бу босқичда шиша ва пластик идишлардаги инъекция учун эритмалар, шунингдек, таблетка ҳамда капсулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иш ўринларининг сони мингтагача оширилади.

Президентимиз шу ерда вилоят фаоллари ва нурунийлар билан мулоқот қилди.

Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ёшлар тарбияси ва ҳудуднинг келажагига оид муҳим масалалар юзасидан очик суҳбат бўлди. Давлатимиз раҳбари одамлардаги ташаббускорлик ислохотлар самарасини оширишда ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

— Ўзгаришлар, аввало, маҳаллаларда сезилиши керак. Сизлар одамлар билан доимий мулоқотда бўлиб, ёшларга тўғри йўл кўрсатишингиз зарур. Ҳаммамиз уйғоқ ва фаол бўлсак, ҳаракатларимиз, олиб бораётган ислохотларимиз албатта натижа беради. Сирдарёга катта режалар билан келганимиз. Сизларни эшитиб, бамаслаҳат бу режаларни амалга оширамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган “Invest Asia” корхонасида бўлди.

Корхона қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчилардан бири ҳисобланади. Ҳозирда ички бозордаги полипропилен қоп ва юмшоқ контейнерларнинг 60 фоизи, стретч плёнкаларнинг 40 фоизи айнан шу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мажмуа 60 гектар майдонда барпо этилган бўлиб, ҳозирги пайтда 2,5 мингга яқин иш ўринлари яратилган.

Қадоклаш маҳсулотлари озиқ-овқатдан тортиб фармацевтика, саноат, қурилиш ва маиший кимёгача бўлган кўплаб соҳалар учун зарур. Уларнинг сифати маҳсулотнинг хавфсиз сақланиши, транспортировкаси ва бозорга ўз вақтида етказилишига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш импорт харажатларини камайтиради, ички бозор барқарорлигини таъминлайди ва ишлаб чиқарувчилар учун харажатларни сезиларли қисқартиради.

“Invest Asia” корхонасининг яна бир муҳим жиҳати унинг мамлакатда биоаксал йўналтирилган полипропилен плёнка ишлаб чиқарадиган ягона корхона экандир. Бу плёнка тури энг оммабоп қадоклаш материалларидан бири бўлиб, каттик ва енгиллиги билан ажралиб туради.

Жорий йилнинг ўн ойида корхонада 1,9 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланган, 23 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Австрия, Германия, Италия, Хитой ва АКШ каби давлатларда ишлаб

чиқарилган юқори технологияли ускуналардан фойдаланилмоқда.

Президентимиз корхонада амалга оширилаётган технологик жараёнларни кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди. Келгуси режалар билан танишди.

Шунингдек, йил якунига қадар бу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик спанбонд ва мельтблаун — нотўқима мато ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши кутилмоқда. Бундай матолар тиббиёт, қурилиш, маиший кимё ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Барча лойиҳалар тўлиқ қувватга чиқгач иш ўринларининг сони 10 мингтага етиши, полимерни қайта ишлаш қуввати 280 минг тоннагача ошиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятда йирик лойиҳаларни амалга ошираётган ва янги ташаббуслар билан чиқаётган хорижий инвесторлар билан ҳам мулоқот ўтказди. Худуд иқтисодиёти, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган ҳар бир лойиҳа давлат томонидан, албатта, қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Инвесторлар мамлакатимиздаги табиркорлик ва инвестиция муҳитини юқори баҳолаб, бизнес учун яратилган кенг имкониятлар ҳамда амалий кўмак учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятига ташрифи давомида Гулистон шаҳрининг Бўстон маҳалла-

сида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини бориб кўрди.

Бўстон маҳалласи жорий йил обод маҳаллага айланди. Худуддаги барча кўп қаватли уйлар таъмирланди, ҳудуд ободонлаштирилди. Маҳалла марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президент дастлаб шу ерда маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самимий мулоқот ўтказди. Учрашувда мамлакатнинг барча ҳудудларида куйи бўғиндаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислохотлар самараси Сирдарёда ҳам ўз аксини топаётгани таъкидланди.

— Маҳалла — жамиятнинг юзи. Мамлакатдаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўз ифодасини топади. Биз шундай тизим яратдикки, илгари жиддий деб ҳисоблаган кўплаб масалаларимизга ечимни айнан маҳалланинг ўзида топпамиз. Бу институтга эътиборни янада кучайтиришда давом этамиз, — деди Президентимиз.

Худуддаги 48 та кўп қаватли уй жорий таъмирланди, ташқи қисми базальт билан қопланди. Иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўм ҳисобига замонавий қозонхона ва 3,3 километр иссиқлик тармоқлари қурилди.

Кўп қаватли уйларда 23 та индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатилиб, “ёпик” тизим ташкил этилди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан худуддаги 800 та хона-

донли 20 та кўп қаватли уйнинг ички иссиқлик тизимлари қайта тикланди. 1 та бочка маркашланган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминланди.

Янги қозонхона қурилиши натижасида 144 минг киловатт-соат электр ва 627 минг кубометр табиий газ иқтисод қилинади.

Президентимиз кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган бу ишларни давом эттириш, қозонхоналарни қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзида “еттилик” вакиллари ва нурунийлар билан маҳалла ҳамда вилоят ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар хусусида суҳбат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сирдарё вилоятида инфратузилмани ривожлантиришга доир қарори асосида худудда 215 та кўп қаватли уйни қамраб олган махсус манзилли рўйхат шакллантирилган. Ушбу ҳужжат доирасида уйларнинг том ва фасад қисмларини таъмирлаш, иссиқлик таъминотини, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш ҳамда атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг
ФАРМОНИ

З. О. Турдимовни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эркинжон Окбутаевич Турдимов** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 4 декабрь

Халқаро ҳамкорлик

ҚИЗГИН МУЛОҚОТЛАРГА БОЙ ТАШРИФ

Аввал хабар берганимиздек, 1 — 3 декабрь кунлари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси расмий ташриф билан Венгрияда бўлди.

Ушбу мамлакатга ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон делегацияси Венгрия тадбиркорлари ва компаниялари вакиллари билан бир қатор амалий учрашувлар ўтказди. Унда Венгриянинг 20 га яқин компания ва ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Делегация аъзолари мезбонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий либераллашув, саноат модернизацияси, хорижий инвестициялар учун қулай муҳит ва давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, таълим ва маданий соҳаларда изчил ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувларда “4iG” — рақамли ечимлар ва телекоммуникация, “H₂O Konzorcium” — сув таъминоти ҳамда экологик технологиялар, “Metrimed” — тиббиёт жиҳозлари ва соғлиқни сақлаш, “FANTASTIGO” — истеъмол товарлари, “Limelogg” ва “Woodstock” — логистика ҳамда экспорт-импорт соҳаларида шериклик имкониятлари муҳокама қилинди. Венгрия тадбиркорлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта қизиқиш билдирди.

Шунингдек, Венгрияга расмий ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси “4iG” компанияси бошқарув кенгаши раиси Геллерт Ясзай билан халқаро бизнес алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланган учрашув ҳам ўтказди.



Ўзбекистон — Туркия: КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

3 декабрь куни Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Мазкур ташриф доирасида делегация аъзолари Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Туркия тиббиёт факультети Даволаш иши ва олий ҳамширалик йўналиши талабаларининг битирув маросимида иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган ўртасидаги ишонч, ҳурмат ва самимиятга асосланган му-

носабатлар таълим, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорликни юқори даражага олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда парламентлараро ҳамкорлик, Олий Мажлис ва Туркия парламенти ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб, қатор қўшма лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилди. Шунингдек, қўшма университетлар ва академик алмашинувлар орқали олий таълим муассасаларида инновацион усуллар жорий этилди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилиңк тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилот филиалига борди.

Бу ерда икки кун олдин Гулистон шахридаги умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллони портлаши оқибатида жароҳат олганлар даволанмоқда.

Марказ раҳбарияти ва шифокорлар Президентимизга беморларнинг аҳоли ва даволаш жараёнларининг бориши ҳақида ахборот берди. Давлатимиз раҳбари бахтсиз воқеада турли даражада тан жароҳати олган фуқаролар даволаётган палаталарга кириб, улардан хабар олди, оила аъзолари билан суҳбатлашди.

Президентимиз мутасаддиларга жабранганларга зарур барча тиббий ёрдам кўрсатилишини катъий назоратга олиш бўйича топшириқ берди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш зарурлигини қайд этди.

Масъуллар олдига содир бўлган воқеанинг сабабларини пухта ўрганиш, қонун устуворлигини таъминлаш, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлиги устидан назорат ишларини қучайтириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳри жамоат транспорти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида олиб келинган замонавий автобуслар тақдироти билан ҳам танишди.

Гулистон шаҳридаги ички йўллар бўйлаб қатновларни амалга ошириш мақсадида 52 та автобус олиб келинди. Улар “Евро-5” стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради ҳамда табиий сиқилган газда ҳаракатланади.

Хар бири 65 нафар йўловчини қулай шaroитларда манзилга етказишга мўлжалланган ушбу автобуслар паст полли бўлиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун махсус пандус ускуналари ва алоҳида ўриндиқлар билан жиҳозлан-

ган. Йўл ҳақи тўловларини электрон тарзда ҳам амалга ошириш учун “АТТО” тизими ўрнатилган.

Аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжи ҳисобга олиниб, автобуслар ҳаракати Гулистон шаҳрининг 23 та маҳалласини тўлиқ қамраб олувчи жами 7 та шаҳар ички йўналишида брутто-шартнома асосида ҳаракатланади.

Натижада автобусларнинг ҳаракат интервали аввалгига нисбатан 2 баробарга қисқариб, кунига 29 минг нафар аҳолига қулай, хавфсиз ва арзон транспорт хизматлари кўрсатилиши таъминланади.

Яна бир жиҳат: мазкур қатновлар орқали йилига 38 миллиард сўмдан зиёд транспорт хизматлари кўрсатилади, 120 та иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга юртимиз шаҳарларининг жамоат транспорти парklarини шундай замонавий автобуслар билан тўлдириш ишларини изчил давом эттириш, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда келгусида 11 метрли, узок масофага мўлжалланган яна 30 та автобусни олиб келиш режаси ҳақида маълумот берилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, қўшимча яна 150 дан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Шундан сўнг халқ депутатлари Сирдарё вилoяти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси сифатида Сирдарё вилoятидаги улкан ўзгаришларни алоҳида таъкидлади.

— Илгари, асосан, қишлоқ хўжалигига боғланиб қолган бу заманда сўнгги йилларда саноат, сервис, туризм йўқдан бор бўлди. Бизнес муҳити бутунлай ўзгарди, илгор табдиркорлар қатлами шаклланди, — деди давлатимиз раҳбари.

Саккиз йилда Сирдарё вилoятига 4 миллиард доллар инвестиция киритилди. Шу давр мобайнида 187 та йирик қувват ишга туширилиб, 120 мингта иш ўрни яратилди. 50 га

яқин янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада саноат ҳажми 4 триллион сўмдан 25 триллион сўмга етди.

Илгари дотация олган Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Сирдарё ва Ховос туманлари бугун ўз харажати-ни ўзи қоплаш даражасига етгани қайд этилди.

Сирдарё туманида келгуси йили хитойлик шериклар билан 122 миллион долларлик автомобилсозлик лойиҳаси ишга туширилади. Яқинда Қозоғистон билан ҳамкорликда Сирдарё туманида Марказий Осиё халқаро саноат кооперацияси марказига старт берилди. Ушбу марказ худудида қиймати 300 миллион долларлик 14 та саноат корхонаси келаси йилнинг биринчи қораги якунига қадар иш бошлаши, 2026 йилда яна 720 миллион долларлик 40 та янги лойиҳа жойлаштирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарёда богча, мактаб, шифохона ўринларини қўпайтириш, электр, сув, канализация ва йўлларни ахшиллаш борасида ҳам амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли турмуш шарoитини яхшилаш учун 100 миллион доллар ресурс йўналтирилди. Натижада 47 та мактаб, 45 та болалар богчаси, 31 та тиббиёт муассасаси, 5 та спорт ва маданият маскани тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар изчил давом эттирилиб, келаси йили яна 100 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Сессияда ташкилий масала ҳам қўрилди. Президентимиз ҳоким вазифасини бажараётган Эркин Турдимов номзодини Сирдарё вилoяти ҳокими лавозимига илгари сурди.

Вилoят фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, номзод овозга қўйилди. Овоз бериш натижасига кўра, Эркин Турдимов Сирдарё вилoяти ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари янги ҳоким олдига Сирдарёни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар қўйди. Жум-

ладан, келаси йиллар давомида вилoятга жами 3 миллиард доллар инвестиция киритиш, экспорт ҳажминини 500 миллион долларга етказиш, 185 минг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича катъий ишлаш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда вилoятда саноат, сервис, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш масалалари қўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда умумий қиймати 500 миллион доллар бўлган 31 та корхона ишга туширилиб, 5 минг нафар фуқаро юқори даромадли иш ўринлари билан таъминланди. Хитойлик ҳамкорлар билан яна 700 миллион долларлик 40 та лойиҳа бўйича ишлар жадал давом этмоқда.

Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари, Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари ҳисобига “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси худуди 1080 гектарга кенгайтирилди. Вилoят ва туман ҳокимларига саноат зонасига қўшиб берилган майдонларда камиди 4 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун лойиҳаларнинг самардорлигини пухта ҳисоблаб, инвесторларга тақдимот қилиш мақсадида Сирдарё, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Ховос туманлари, шунингдек, Янгиер, Гулистон ва Ширин шаҳарлари ҳокимларидан иборат делегацияни Хитойга юбориш топширилди.

Қурилиш материаллари бўйича Цзянсу, Шаньдун ва Гуандун, кимё саноати бўйича Тяньцзинь, электротехникада Фудзянь ва Гонконг, енгил саноатда Шаньдун ва Синьцзян, фармацевтика соҳасида Шанхай ва Цзянси худудлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Гулистон шаҳрида камиди 5 минг иш ўрнига эга “Ўзбекистон — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” савдо ва саноат зонаси ташкил этилиши белгиланди. Бу ердаги объектлар тайёр лойиҳа сифатида табдиркорларга саноат ипотекаси ёки лизинг асосида тақлиф этилади. Тошкент шаҳридаги саноат корхо-

наларини босқичма-босқич пойтахтдан ташқарига қўчириш жараёнида “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги бўш ерлар мавжуд қувватларни жойлаштириш учун катта имконият экани таъкидланди.

Шу боис пойтахтдан ўз корхонасини Сирдарёга қўчириш истагида бўлган табдиркорларга саноат зонасидаги ерлар соддалаштирилган тартибда, чегирма билан тақдим этилади, уларга 10 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади, ҳомашёни темир йўл орқали ташишда арзонлаштирилган тарифлар қўлланади.

Йиғилишда табдиркорлик ва сервис инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

2026 йилда вилoят инфратузилмасини яхшишлашга 1,5 триллион сўм, табдиркорлик лойиҳалари учун 10 триллион сўм ресурс ажратиш режалаштирилган. Шунинг 753 миллиард сўми илк бор Сирдарё вилoяти ва туман бюджетларига маҳалалар шарoитини яхшилаш учун йўналтирилди.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича янгича ёндашувлар, самарали ечимларни жорий этиш учун доим изланиш, ўрганиш ва тажриба орттириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

Шу мақсадда 11 та туман ҳокимининг биринчи ўринбосарини Пекиндаги Камбағалликка қарши курашиш бўйича халқаро марказда амалиёт ўташини ташкил қилиш, сирдарёлик 50 та ёшни Пекин шаҳрида автоомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қурсларда ўқитиш топширилди.

Шунингдек, Гулистон университети қошида Хитойнинг “Лу Бан устахонаси” дастури доирасида касб-хунарга ўқитиш марказини, Сирдарё туманидаги тиббиёт техникуми негизида эса Хитой билан ҳамкорликда фармацевтика технологиялари йўналишида олийгоҳ ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам атрофлича қўриб чиқилди.

Экин ерларида сув таъминотини яхшилаш мақсадида келаси йили Боёвут туманида сигими 100 милли-

он кубометр бўлган “Султонҳовуз” сув омбори қурилиши бошланади. Бу орқали Боёвут, Гулистон, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларидаги 110 минг гектарда йилгига икки марта ҳосил олиш имконияти яратилади.

Йиғилишда аҳоли ва табдиркорларнинг ҳаётини енгиллаштиришга қаратилган ташаббусларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

“А-373” йўлининг Сайхунобод ва Гулистон туманларидан ўтувчи 37 километр қисмини олти та тасмали қилиб реконструкция қилиш ишларини бошлаш топширилди. Боёвут, Гулистон, Ховос, Мирзаобод, Сирдарё ва Сайхунободнинг 18 та маҳалласидаги 67 километр йўлни цемент-бетон қопламага ўтказиш режалаштирилган.

Икки кун олдин Гулистон шаҳри Тараққидё маҳалласидаги буюм бозори худудида жойлашган умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллони портлаши натижасида 29 нафар фуқаро жароҳат олди.

Афсуски, мазкур бахтсиз ҳодисада қурбонлар ҳам бор. Президентимиз ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирди. Уч кун муддатда қурбонларнинг оиласига 100 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратиш топширилди.

— Бугун сизлар билан вилoятни янада ривожлантириш, аҳоли ва табдиркорларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш бўйича катта-катта режа ва мақсадларни белгилаб олдик. Ҳеч шубҳасиз, сирдарёликларнинг бунёдкорлик, ташаббускорлик ва фидойилик фазилатларига таяниб бу марраларга албатта эришамиз, — деди Президентимиз йиғилиш якунида.

Сессия давомида мутасаддиларнинг ҳисоботлари, иштирокчиларнинг фикр ва тақлифлари тингланди. Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилoятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИЕБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Ғулom ПРИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ҚИЗГИН МУЛОҚОТЛАРГА БОЙ ТАШРИФ

◀1 Мулоқот давомида асосий эътибор Венгрия ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, инвестиция ҳамда технологик лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ахборот технологиялари, рақамли инфратузилма, хусусий-лаштириш ва муқобил энергия соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилди.

“4iG” компанияси бошқарув кенгаши раиси IT тизимларини интеграция қилиш, рақамли инфратузилма, телекоммуникациялар, мудофаа ва космос лойиҳалари ҳақида батафсил маълумот берди.

Маълумот учун: компания Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида фаолият юритади ҳамда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон бозорига алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Унинг таркибига “Mobile.uz” ва “UzCosmos” каби

қўшма лойиҳалар ҳам киради.

Учрашувда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий либераллашув, саноатни модернизация қилиш ва хорижий инвестициялар учун қулай муҳит яратиш ҳақида маълумот берилди. Бошқарув кенгаши раиси Ўзбекистон бозори сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан барқарор ҳамда истиқболли эканини, макроиктисодий кўрсаткичлар ва ёш аҳоли бизнес ривожланиши учун катта са-лоҳият яратаётганини таъкидлади.

Қўшма инвестиция ва IT лойиҳалари, рақамли инфратузилма, “Mobile.uz” ва рақамли хизматлар платформаларини ривожлантириш, маълумотларни қайта ишлаш марказлари фаолияти ҳамда масофадан Ерни зондлаш ва сунъий йўлдош кузатуви лойиҳалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида ҳар бир

йўналишда қўшма лойиҳаларни давом эттириш ва ахборот алмашувини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Маълумки, бугунги кунда дунёда фармацевтика бозори кенг ривожланмоқда. Бу борада венгриялик ишбилармонларнинг ҳам ўз ўрни бор. Расмий ташриф мобайнида Ўзбекистон парламент делегацияси Венгриянинг етакчи фармацевтика компанияларидан бири — “Gedeon Richter” корхонасига ташриф буюриб, ишлаб чиқариш жараёнлари, илмий тадқиқот ишлари ва келгуси ривожланиш стратегияси билан яқиндан танишди.

“Gedeon Richter” компанияси 8 та таркибий бўлинмага эга бўлиб, улардан 5 таси Венгрияда, 2 таси Россияда ва биттаси Германияда жойлашган. Корхонада 11 мингдан ортиқ ходимлар фаолият юритади. Компания жаҳон бозорига 2,8 минг номдаги доривор воситаларини етказиб бе-

риб, халқаро фармацевтика соҳасида муҳим ўрин эгаллайди.

Компания маҳсулотларининг МДҲ давлатларидаги сотилиши ҳажмида Ўзбекистон иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда компаниянинг йиллик маҳсулот савдо айланмаси 10 млн. АҚШ долларидан зиёддир.

Учрашув чоғида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Фармацевтика соҳасида қўшма ишлаб чиқариш, технологиялар трансфери ва инновацион маҳсулотлар яратиш бўйича ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболларига ҳам эътибор қаратилди.

“Gedeon Richter” компаниясининг минтақавий директори Ороз Андрас неврология йўналишида қўлланиладиган юқори самарали “Карипразин” препаратини Ўзбекистонда шартнома асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни

йўлга қўйиш борасида катта қизиқиш билдирди. У лойиҳа бўйича техник ва тижорат тавсифларини муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистондаги ҳамкорлар билан яқин кунларда учрашув ўтказишга тайёригини билдирди. Мазкур дори воситаси АҚШ бозорига компаниянинг сотилиш даражаси энг юқори бўлган маҳсулотларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, делегация аъзолари “Ўзбекистон — Венгрия” бизнес табдирида ҳам иштирок этди. Тадбир доирасида Венгриянинг “НЕРА” агентлигининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича ваколатхонаси расман ўз фаолиятини бошлади. Мазкур агентлик Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестиция алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан Ўзбекистон парламент делегациясининг Венгрияга расмий ташрифи якунланди.

ЗАМОНАВИЙ АУДИТ ЁНДАШУВЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Кунини кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Латвия Республикаси Олий аудит органи раҳбари Эдгарс Кочагинс билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот чоғида давлат аудити соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, замонавий аудит ёндашувларини таътиқ этиш ҳамда ахборотга асосланган бошқарув амалиётини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Латвия Олий аудит органи ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишуви амалий натижалар бераётгани, жумладан, қўшма ўқув табдирлари ҳамда тажриба ал-

машиш фаоллашгани таъкидланди. Шу билан бирга, Латвияда давлат аудит хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси парламент билан яқин ҳамкорликда ишлаши, мунтазам ҳисоботлар тақдим қилиши ва тегишли қўмиталар мажлисларида иштирок этиши ҳам айtilди.

Эдгарс Кочагинс Латвиянинг замонавий аудит амалиёти ҳақида маълумот берар экан, мамлакатда асосий эътибор самарадорлик ва мувофиқлик аудитларига қаратилганлигини ҳамда барқарор бошқарув ти-

зи муфайли молиявий аудитларга эҳтиёж қамайганини айтиб ўтди. Шунингдек, хусусий аудиторлар ва ички аудит бўлиmlарининг давлат аудити тизимидаги иштироки алоҳида қайд этилди.

Латвияда давлат аудити тавсияларидан бюджет жараёнида фойдаланиш амалиёти билан ўртоқлашилди. Хусусан, ҳар йили бюджет даромадларини ошириш ёки харажатларни қисқартиришга хизмат қиладиган тавсиялар бўйича махсус маълумот тайёрланиши ва унинг ҳукумат ҳамда парламент томонидан қарорлар қабул қилишда қўлланилиши таъкидланди.

Латвия томони Ўзбекистонда стратегик бошқарув, мониторинг ва баҳолаш тизимларини такомиллаш-

тириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. “Data-based governance” тамойилларига ўтиш давлат бошқаруви самардорлигини оширишда муҳим қадам экани таъкидланди.

Мулоқот давомида давлат дастурлари натижаларини таҳлил этиш ва ахборот тизимларини интеграция қилиш масалалари бўйича ҳам ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

Учрашув якунлари бўйича самардорлик аудитлари, хатарларни баҳолаш ва ички аудиторлар билан ҳамкорлик амалиёти бўйича ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон — Туркия:

КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

◀1 Табдирда тиббиёт ва илмий тадқиқот соҳаларида замонавий стандартлар асосида илгор дастурлар амалга оширилаётгани, хорижий қўшма таълим дастурлари ва икки томонлама диплом бериш амалиёти йўлга қўйилгани таъкидланди. Ушбу ҳамкорлик битирувчилар ва ёш мутахассислар учун янги имкониятлар эшигини очиб, уларга илмий билим ва профессионал салоҳиятларини ривожлантиришда мустаҳкам замин яратиши алоҳида айтиб ўтилди.

Туркия парламентини раиси Н. Куртулмуш маросимда иштирок этаётганидан мамнунлигини билдирар экан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар жадаллик билан ривожланиб бораётганини, жумладан, Бухоро давлат тиббиёт институти доирасидаги ҳамкорлик бунинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Шунингдек, у сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар ва уларнинг натижаларини алоҳида эътироф этиб, мамлакатларимизнинг қардошлиқ ришталарига асосланган стратегик шериклиги ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривож топаётганини юқори баҳолади.

Н. Куртулмуш Ўзбекистон ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири эканлигини таъкидлар экан, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни намоёйш этаётган ушбу илмий муассаса ўзбек ёшлари келажагида катта роль ўйнашига, битирувчи талабалар ўз йўналишлари бўйича дунёнинг энг илгор ёшлари бўлишларига самимий ишонч билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда ёшлар масаласида тўғри сиёсат олиб борилаётгани ва бу учинчи

Ренессансга муҳим пойдевор бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур маросим кенг ҳамкорлик ва қардошлиқ алоқаларини илҳом манбаи сифатида ҳис қилиш, билим ва малака олиш орқали юртимиз ва жаҳон саломатлиги йўлида хизмат қилиш учун янги имкониятлар яратиши, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаши ургуланди. Ушбу олий таълим муассасасида олинган билим, орттирилган тажриба келгусидаги янги дастурлар, қўшма таълим лойиҳалари ва илмий изланишлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Маросимда сўзга чиққанлар барча ёшларни самимий табриклаб, келгусидаги фаолиятларида катта муваффақиятлар, янги имкониятлар ва юксак натижалар тилади.

Табдир якунида битирувчи ёшларга дипломлар топширилди. Битирув маросимидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки давлат парламентлари ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Делегация аъзолари ташриф доирасида дунёнинг энг қадимий ва тарихий-меъморий обидаларга бой гўзал гўшаларидан бири — Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишди.

Хусусан, меҳмонлар “Лаби Ҳовуз” ансамбли, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Чор Бакр мажмуаларида бўлди. Уларнинг яратилиш тарихи меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

8 декабрь — халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутувчи, мамлакатимиз тақдирини белгилаб берган энг муҳим саналардан бири. Айнан шу кунни биз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини тантанали равишда нишонлаймиз.

Сана

Бу сана ўтган 33 йил давомида Бош қомусимизнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ва жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ҳақида чуқур мушоҳада юритишга чорлайди. У қабул қилинган ондан бошлаб мамлакатимиз ривожланишининг катта ва шарафли йўлини босиб ўтди. Давлатчилик тизими мустаҳкам шаклланди, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг олий қадрият сифатида кафолатлари янада такомиллашди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Конституция, бу шунчаки қонунлар ёзилган қоғоз эмас, балки халқимиз мардлиги, жасорати, адолатга садоқати ва келажакка бўлган ишончи акс этган муқаддас ҳужжатдир. У халқ билан давлат ўртасидаги мустаҳкам келишув. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир ислохот, ҳар бир қонун Конституция руҳи ва талабларига асосланади.

Асосий Қонунимизнинг янги таҳрирда қабул қилингани эса жамиятимиздаги ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Чунки янги таҳрирда



“Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб қўйилди. Бугунги кунда имзоланаётган ҳар бир қарор, ҳар бир стратегик ислохот, аввало, энг олий қадрият бўлмиш инсон манфаатларини таъминлашга, унинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний эркинликларини ишончли ҳимоялашга қаратилган. Бу янги давр фалсафаси — инсонни давлат сиёсатининг марказига қўйиш, унинг қадрини улуғлаш ва ҳар бир фуқарога муносиб шароит яратиш асосий вазифамиз.

Утган давр мобайнида Конституциямиз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва демократияни мустаҳкамлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Давлат бошқарувида очкилик ва шаффофликни таъминлаш, жамиятда адолатни қарор топтириш,

фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш йўлида катта ишлар амалга оширилди.

Унинг янги таҳририда “ижтимоий давлат” тамойилининг мустаҳкамланиши мамлакатимизда кенг аҳоли қатламнинг турмуш даражасини тубдан ошириш, муҳтож ва кам таъминланган фуқароларни комплекс қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ёшлар, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари манфаатларини ишончли ҳимоялаш учун улкан имкониятлар эшигини очди.

Янги таҳрирдаги Конституцияни ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилган, жумладан, Германия, Швеция, Швейцария, Чехия каби давлатларнинг ҳуқуқий моделлари таҳлил этилгани ҳам мамлакатимизда демократия ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу нормалар миллий анъаналаримиз ва эҳтиёжларимиз билан уйғунлашган ҳолда шакллантирилди.

Конституция — бу тарихий ҳужжат, миллатнинг ҳуқуқий мероси ва келажакни белгилаб берувчи маёқ. Ҳозирги давр ҳар биримиздан масъулият, фаоллик ва қонунларга ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Чунки унга амал қилиш жамиятда адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир.

Асосий Қонунимиз мамлакатимизда ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашда асосий мезон сифатида хизмат қилиб келмоқда. Унда белгиланган қоидалар ижтимоий муносабатлар-

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси раиси.

«Очиқ эшиклар куни»

Шаффофлик таъминланади

Олий Мажлис Сенатида “Конституция ойлиги” муносабати билан “Очиқ эшиклар куни” тадбири ташкил этилди.

Мазкур тадбир 8 декабрь — Конституция куни арафасида аҳолининг конституциявий маданиятини ошириш, очкилик ва шаффофлик тамойилларини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Унда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ҳамда талабалари иштирок этиб, Сенат фаолияти, қонунчилик жараёнлари ва конституциявий нормаларнинг аҳамияти ҳақида ба- тафсил маълумотларга эга бўлди.

Учрашув давомида қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишнинг долзарб масалалари бўйича очик мулоқот ҳамда фикр алмашинуви бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари парламентнинг юқори палатаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РАВНАҚИДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Конституциянинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада мустаҳкамлашдаги ўрни” мавзусида парламент конференцияси ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тадқиқот институтлари, ахборот-таҳлил марказлари илмий ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимизда фуқаролик жамияти фаол ривожланиш босқичига қадам қўйди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш кучайди, давлат идоралари билан улар ўртасида ижтимоий шериклик кенгайди, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги оша бошлади.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз халқимиз иродасининг ҳақиқий инъикоси сифатида барча соҳаларда туб ислохотлар учун ҳуқуқий пойдевор яратди. Хусусан, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экология соҳасидаги ҳуқуқлари бўйича қатор муҳим кафолатлар мустаҳкамланди.

Бош қомусимизга илк марта фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, унинг XIII боби “Фуқаролик жамияти институтлари” деб номланди. Ушбу боб 7 та моддани ўз ичига олиб, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди. Конституциянинг 69-моддасига қўра, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади.

Айтилганидек, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишда маҳалла институти алоҳида роль ўйнайди. Кейинги йилларда маҳаллалар аҳолига энг яқин ва самарали фуқаролик жамияти институти сифатида фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри мулоқот майдониغا айланмоқда. Хусусан, маҳаллаларда йўлга қўйилган “еттилик” тизими орқали аҳолига кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби юздан зиёд хизматлар маҳалла даражасида қўрсатилмоқда. Барча соҳа ва йўналишлар бўйича маҳалла йишаш тизими кенг жорий этилгани ижобий самара бермоқда. Маҳалла фуқаролик жамиятининг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмасига айланиб бормоқда.

Сўзга чиққанлар янги таҳрирдаги Конституцияда Президентимиз томонидан юртимизда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ва ҳаётимизнинг бошқа барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш бўйича стратегик мақсадлар ўз ифодасини топгани, Асосий Қонунимиз давлатимизнинг яқин ва узоқ истиқболдаги барқарор тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ишончли кафолатига айлانгани, парламентнинг фуқаролик жамияти ривожидagi ўрни каби масалаларга тўхталди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Раҳимжон Ҳакимов таъ-

кидлаганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қиладиган нормалар сифатида эътироф этилди. Давлат органлари фаолиятида инсон манфаатларининг устуворлиги асосий талаб сифатида белгилаб қўйилди. Ҳар бир фуқаронинг судга, жумладан, Конституциявий судга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланди.

Шунингдек, фуқароларнинг жамоавий мурожаатига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш самарадорлигини ошириш мақсадида “Mening fikrim” веб-портали ташкил қилинди. Амалга оширилаётган ислохотларда фуқароларнинг иштирокини янада кенгайтиришга қўмаклашиш ҳамда уларнинг жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатасининг Жамоавий ташаббуслар бўйича комиссияси тузилди. Бундан ташқари, қуйи палатанинг барча қўмиталари ҳузурида экспертлар, мутахассислар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгашлари тузилди, улар самарали фаолият олиб бормоқда. Энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокама-сидан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатаси депутати Нодир Тиеваловдеки фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири — бу унинг ҳуқуқий негизини яратишдан иборат эканини таъкидлаб, Конституцияда фуқаролик жамиятининг асосий қоида ва талабларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи нормаларнинг ўз ифодасини топишига алоҳида эътибор берилганини қайд этди.

Конференцияда Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти директори Ақром Тошпўлатов парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига тўхталиб, қатор тақлифларни илгари сурди. Жумладан, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролик жамияти институтилари салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар бир қонун лойиҳаси учун “жамоатчилик фикри раҳбари”ни шакллантириш тақлифни билдирди.

Шу билан бирга, парламент қўмиталари қошида соҳавий экспертлар заҳирасини шакллантириш, парламент фаолиятида чуқур илмий таҳлилни таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари ҳузуридаги қонунчилик таҳлили бўйича “ақл марказлари” билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш лозимлиги қайд этилди.

Конференция якунида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик институтларни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

Кун тартибида – битирувчилар бандлиги масаласи

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи томонидан ёшлар, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари вилоят Касбий кўнлик-маркази ва Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Марказлардаги ўқув жараёнлари, амалий машғулотлар, таълим йўналишлари, замонавий ўқув ускуналари ҳамда тингловчилар учун яратилган шарт-шароитлар таҳлилга таҳлил қилинди.

Айниқса, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни касбга ўқитиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Касбий кўнлик-маркази фаолияти таҳлил этилиб, бу каби таълим муассасалари ёшларнинг касбий билим ва кўникмаларини эгаллаши, ўзларига бўлган ишончни ошириши ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида яратилган ишлаб чиқариш, инфратузилма шароитлари билан танишди. Айрим саноат зоналарида йўл, сув ва электр таъминоти каби инфратузилма ишлари тўғрисида муҳокама қилиниши ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишида қийинчилик туғдираётгани таъкидлаб ўтилди.

Термиз, Ангор ва Музработ туманларидаги маҳаллаларда “маҳалла еттилиги” аъзолари билан ҳам учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар давомида аҳолининг даромад манбаларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ДЕПУТАТЛАР ФИКРЛАРИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрафлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрафлича муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан билдирилган бир қатор тақлифлар эътиборга олингани ва ҳужжат матнида акс этгани айтилди. Депутатлар билдирган тақлиф ҳамда тавсиялар асосида қонун лойиҳасига бир қанча қонун ҳужжатлари аҳамиятга эга бўлган ўзгартришлар киритилаётгани айтиб ўтилди. Хусусан, фракция аъзолари тақлифига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида онкологик ва юқумли бўлмаган бошқа касалликларнинг ўтказиб юборилган босқичини бошидан кечираётган беморларни стационар ҳамда амбулатор шароитда, шунингдек, уйда тиббий доволаш имконияти бўлмаганда, уларга тиббий-психологик ёрдам қўрсатадиган ҳудудларро хосписларни ташкил этиш учун 50 млрд. сўм маблағ қўзда тутилаётгани ургуланди.

Фракция аъзолари молиявий интизом ва шаффофликни янада мустаҳкамлаш, бюджет маблағларни манзилли етиб боришини таъминлаш самарадорлигининг муҳим шарти эканини қайд этди. Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасига масъул — Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муайян ишлар қилингани таъкидланди. Де-

путатлар илгари сурган ҳар бир тақлиф ишчи гуруҳ ва мутахассислар томонидан атрафлича ўрганилиб, ушбу ҳужжатга бир қатор ўзгартришлар киритилгани маълум қилинди. Айрим харажатлар макбуллаштирилган бўлса, айримлари оширилди.

Йиғилишда депутатлар иккинчи ўқишда ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Шунингдек, ҳукумат вакиллари биринчи ўқишда кўтарилган айрим масалаларга қўшимча равишда изоҳ берди.

Мунозаралар давомида фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдириб, заруратга қараб барча йўналишга етарлича маблағ ажратилаётганини таъкидлади.

— Гап маблағда эмас, гап ажратилган маблағдан самарали ва мақсадли фойдаланишда, — деди фракция раҳбари. Шунингдек, у депутатларни жойларга ўрганишга чиққанида бу борадаги назоратни янада кучайтиришга қайтарди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташри-

фининг аҳамияти ҳақида сўз борди. Депутатлар мамлакатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан мулоқоти давомида аҳолининг тиббий хизматлардан розилигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратганини қайд этиб, белгилаб берилган устувор вазифалар партиянинг сайловолди дастури билан ҳамоҳанг эканини таъкидлашди.



Йиғилишда “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Фракция аъзолари лойиҳа юзасидан фикр билдириб, келгуси йилда ҳам Давлат бюджетни тақчиллигининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдорда сақланиши мамлакатда изчил фискал сиёсат юритилаётганидан далолат беришини таъкидлади. Бу кўрсаткич иқтисодий барқарорликни таъминлаш, тақши қарз юкини меъёрга ушлаб туриш ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағларнинг катта қисми болаларни эмлашга сарфланиши келажак авлод соғлом ривож-

ланишини таъминлаш ва миллий генфондни муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этиши айтилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ҳамда “Бюджет жараёнида такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида фракция аъзоси Анвархон Темиров солиқ тизимининг барқарорлигини сақлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Унинг айтишича, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш, кам таъминланган оилалар учун солиқ юкини янада қисқартириш, айрим тўлов ва йиғимларни босқичма-босқич камайтириш зарур.

Шунингдек, бюджет маблағларининг шаклланиши ҳамда сарфланиши юзасидан маълумотларни омма учун янада очиқ ва тўлиқ тақдим қилиш, очик маълумотлар портали орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш партиянинг устувор мақсади эканлиги айтилди.

Фракция аъзоси Фирдавс Шарипов эса лойиҳада акс этган айрим солиқ имтиёзлари бўйича аниқ ва самарали мезонларни жорий қилиш, натижа бермаётган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш, янги ташаббусларни тажриба тариқасида алоҳида ҳудудларда синовдан ўтказиш бўйича тақлифлар берди.

Депутатлар Улуғбек Шерматов ва

Сайёра Имомова мактабларда ёнгинг хавфсизлигини таъминлаш, иситиш тизимларининг узлуқсиз ишлашини йўлга қўйиш, мазкур йўналишларда молиявий барқарорликни ошириш зарурлигини таъкидлади. Бу масалаларни мутасадди ташкилотлар билан батафсил муҳокама қилиш ва жойларда таъсир чораларини кучайтириш лозимлиги ургуланди.

Қизғин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида бюджет тизими ва бюджет жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бюджет даромадлари таркибини мувофиқлаштириш, халқро тажрибаларини инobatга олган ҳолда Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш, бюджет тизими оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга қаратилган.

Муҳокама давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ундаги нормалар депутатлар билдирган тақлиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилгани қайд этилди.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлашга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

2026 йил 1 июндан қурилиш чиқиндиларидан такрорий фойдаланиш, қайта ишлаш ёки утилизация қилишга йўналтиришнинг янги тартиби жорий этилади.

Марказий Осиё:

ЎЗАР ОШОНЧГА АСОСЛАНГАН ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Бугун Марказий Осиё глобал саҳнанинг четида эмас, балки унинг диққат марказида турган минтақага айланмоқда. Асрлар давомида геосиёсий қарама-қаршилиқлар чорраҳасида бўлиб келган бу ҳудуд энди ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир кучли сиёсий иродани намоён этмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасида шаклланган ўзаро ишонч, яхши кўшнчилик ва ҳамжиҳатлик муҳити минтақада янги сиёсий воқеликни вужудга келтирди. Марказий Осиё давлатлари ташқи кучлар таъсиридан чиқиб, ўз йўлини мустақил белгилаш, минтақавий муаммоларга ўзаро ҳамжиҳатликда ечим топиш ва биргаликда тараққиёт

Тажлил

Ташаббусларнинг ғоявий асослари

Марказий Осиёдаги бугунги янгиланиш жараёнларининг асосида битта муҳим тушунча ётади — бу ўзаро ишонч. Президентимиз ўз сиёсий йўлини айнан шу тамойилга таянган ҳолда бошлади ва уни минтақавий муносабатларнинг пойдеворига айлантирди. Чунки ишонч бор жойда мулоқот жонланади, мулоқот бор жойда эса муаммолар ўз ечимини топади. Сўнгги йилларда қўшни давлатлар билан олиб борилган очик, самимий ва прагматик сиёсат айнан мана шу ишончнинг мустақамла-нишига хизмат қилди.

Яхши кўшнчилик — бу дипломатик широр эмас, балки амалий сиёсатнинг ҳаётий мезони. Давлатимиз раҳбари ташаббусларида қўшни халқларни ажратувчи омилларга эмас, бирлаштирувчи жиҳатларга эътибор қаратилади. Амалга оширилаётган ташрифлар, икки ва кўп томонлама учрашувлар, чегараолди ҳудудларнинг бирлашган манфаатлар асосида ривожлантирилиши шундан далолат беради. Шавкат Мирзиёевнинг “қўшнимиз тинч ва фаровон бўлса, биз ҳам тинч ва фаровон бўламиз” деган қарashi минтақага бутунлай бошқача руҳ бағишлади. Содда қилиб айтганда, Президентимиз қарашлари Марказий Осиёдаги муносабатларга янги сиёсий маданият олиб кирди. Бу тор манфаатларни эмас, умумий тараққиётни устувор қўйиш, айб қидириш ўрнига ечим излаш, рақобат ўрнига шерикликка интилиш сиёсатидир.

Бирдамлик — бу нафақат сиёсий ҳамкорлик, балки халқлар қалбидagi яқинлик, ўзаро эҳтиром ва бир-бирига суяниш анъаналарининг тикланиши ҳамдир. Бугун Марказий Осиёда айнан шу руҳ қайта жонланмоқда. Президентимиз нутқларида ҳар бир қўшни давлатнинг тараққиёти бутун минтақа келажаги билан чамбарчас боғлиқ экани айтилади. Мана шу фалсафа минтақадаги барча муҳим қадамларга маъно ва йўналиш бермоқда. Минтақавий бирдамлик — бу келажақ авлодларга муносиб муҳит қолдириш, тинчликни мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёни янги иқтисодий, маданий ва сиёсий марказга айлантиришнинг ягона йўли эканлиги таъкидланмоқда. Бугунги кунда бу зарурат нафақат сиёсий доираларда, балки оддий фуқаролар онгида ҳам мустаҳкам ўрин олмақда.

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиёни барқарорлик ва тараққиёт ҳудудига айлантириш ғояси бу келажакка қўйилган, таъбир жоиз бўлса, энг катта инвестициядир. Унинг марказида эса тинчлик, ишонч, бирдамлик ва умумий манфаатлар турибди. Бугун минтақа халқлари айнан шу тамойилларнинг ижодкори ва уни ҳаётга татбиқ этувчи асосий куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Марказий Осиёдаги янги сиёсий воқелик: ҳамжиҳатлик модели

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари бугун минтақанинг янги сиёсий воқелигини белгилаётган энг таъсирили механизмлардан биридир. Илгари ташқи кучларнинг воситачилигисиз кўп томонлама форматдаги мулоқотни тасаввур қилиш қийин эди. Аммо Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган очик ва дўстона сиёсий муҳит натижасида маъзур учрашувлар минтақанинг мустақил дипломатик майдонига айланди. Маслаҳат учрашувларида давлат раҳбарлари бир стол атрофида ўтириб, ўзаро ишонч асосида минтақа тақдирига дахлдор энг муҳим масалаларни муҳокама қиладилар. Уларнинг тинимсиз мулоқоти туфайли кўп йиллар давомида ҳал бўлмаг келган муаммолар ўз ечимини топомқда, чегараларни белгилаш, сув тақсироти, хавфсизлик, иқтисодий интеграция каби долзарб масалаларда умумий ёндашув шаклланмоқда.

Бу учрашувларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — улар миллатларни ажратувчи эмас, бирлаштирувчи платформанинг ўзак нуктасига айланганиддир. Ҳар бир раҳбарнинг сўзида бирдамлик руҳи, ҳамжиҳатликка интилиш ва халқ манфаати устуворлиги намоён бўлмоқда. Сиёсий мулоқотнинг бундай очик формати Марказий Осиёнинг ички муаммоларини ташқи аралашувларсиз ҳал қилиш имконини берди. Агар кечаги тарихда минтақа давлатлари ўртасида “масофа сақлаш” устун бўлса, бугунги Маслаҳат учрашувлари бу масофани кўприклар билан алмаштирди. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий жасорати ва

прагматик ёндашуви натижасида маъзур формат минтақавий бирдамликнинг ҳақиқий рамзига айланиб, Марказий Осиёнинг бугунги ва эртанги ривожланиш уфқини белгилаб бераётган стратегик институт сифатида шаклланди.

Президентимизнинг амалий қадамлари туфайли биз минтақада бошқаларга ўрнат қўйишга арзийдиган дипломатик маданият юзга келаятганини кўрмоқдамиз. Бунда муаммо “бизники” ёки “сизники” деб ажратилмасдан, умумий имконият сифатида қўйилади. Ҳар бир келишувда сиёсий ғалаба эмас, балки халқлар учун аниқ натижа бўлиши мақсад қилинади. Пировардида кечаги келишмовчиликлар бугун ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайдиган янги имкониятларга айланмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичи

Марказий Осиё давлатлари ўртасида охириги йилларда кузатилаётган ўзаро савдо ва инвестиция алоқаларининг жадал ўсиши, бу — минтақанинг янги иқтисодий қиёфасини белгилаётган муҳим воқелиқдир. Илгари чегаралардаги тартиб-таомиллар, ўзаро ишонсизлик ва бюрократик тўсиқлар туфайли секин ривожланган иқтисодий алоқалар эндиликда мутлақо янги суръатга эга бўлмоқда. Бу ўзгаришлар Президентимиз олиб бораётган очик, прагматик ва ҳамжиҳатликка асосланган сиёсатнинг амалий натижаси экани, шубҳасиз. Статистика ҳам бу жараённинг ҳақиқий қўламини аққол намоён этади: сўнгги саккиз йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки қаррадан

“Яхши кўшнчилик — бу дипломатик широр эмас, балки амалий сиёсатнинг ҳаётий мезонидир. Давлатимиз раҳбари ташаббусларида қўшни халқларни ажратувчи омилларга эмас, бирлаштирувчи жиҳатларга эътибор қаратилади. Амалга оширилаётган ташрифлар, икки ва кўп томонлама учрашувлар, чегараолди ҳудудларнинг бирлашган манфаатлар асосида ривожлантирилиши шундан далолат беради. Шавкат Мирзиёевнинг “қўшнимиз тинч ва фаровон бўлса, биз ҳам тинч ва фаровон бўламиз” деган қарashi минтақага бутунлай бошқача руҳ бағишлади.

ортиқ ўсди. Фақат Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, қўшни давлатлар билан савдо ҳажми 2016 йилдаги 2,4 млрд. доллардан 2024 йилда 7,2 млрд. долларга етди. Қўшма корхоналар сони эса 1800 тадан ошиб, янги иш ўринлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва инновацион ҳамкорлик майдонлари яратилмоқда.

Тўғридан-тўғри инвестициялар соҳасида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон иштирокида қўшма санаот лойиҳалари йўлга қўйилмоқда, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, автомобильсозлик, электроника ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қамровли кооперация жараёнлари юз бераётди. Минтақада инвестиция муҳитининг яхшиланиши, хусусий секторнинг фаоллиги ва давлатлар ўртасидаги солиқ-бож имтиёзларининг кенгайиши иқтисодий алоқаларни янада қулайтирмоқда. Қисқача айтганда, Марказий Осиё иқтисодий жонланишининг янги босқичига кирди. Бу босқичнинг асосий қуввати умумий манфаат, ўзаро ишонч ва биргаликда ривожланишга интилишда намоён бўлмоқда. Бугун бу жараённинг самараси нафақат рақамларда, балки одамлар ҳаётида, янги ишлаб чиқариш майдонларида ва ривожланиб бораётган чегараолди ҳудудларида ўз аксини топомқда.

Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика каби соҳаларда ташкил этилган қўшма корхоналар маҳсулотларининг бозорга чиқиши минтақадаги иқтисодий заنجирларнинг янги структурасини яратиб берди. Бу корхоналар фақат битта мамлакат манфаатига эмас, балки бутун минтақа талаб ва эҳтиёжларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Марказий Осиёнинг барқарор келажаги сув-энергетика ресурсларини адолатли, оқилона ва ўзаро манфаатли бошқаришга бевоСИта боғлиқ. Зеро, бу ҳудудда сув нафақат табиий ресурс, балки иқтисодий ўсиш, энергетик хавфсизлик ва экологик мувозанатнинг асосий омилли ҳисобланади. Шу боис

сари қадам қўйиш салоҳиятига эга бўлиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласи минтақамизда кечаётган жараёнлар моҳияти нафақат аниқ ва холис, балки бағрикенглик, инсонпарварлик руҳида талқин қилингани билан эътиборга молик. Мақоланинг моҳиятида нафақат иқтисодий манфаатлар, балки халқлар тақдир, дўстлик, яқинлик ва ўзаро ҳурмат туйғуси устувор қўйилгани кўзга ташланади. Бу мақола Президентимизнинг нафақат раҳбар сифатидаги, балки халқ қалби ва руҳиятини чуқур тушунадиган донишманд давлат арбоби сифатидаги юксак фазилатларини намоён этувчи муҳим ҳужжатдир.



кейинги йилларда минтақада сув-энергетика масалаларида ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди ва ўзаро бирдамлик учун муҳим пойдеворга айланди.

Барқарор ривожланиш ва хавфсизлик масалалари

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масаласи бугунги глобал беқарорлик шароитида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Минтақанинг геосиёсий ўрни, халқро транспорт йўлақларидаги аҳамияти, ресурслар ва ёш аҳоли улушининг юқорилиги уни турли таҳдидлардан ҳоли қолдирмайди. Шу боис давлатлар хавфсизлик масаласида охириги йилларда тамоман янги ёндашувни танлади — ҳамкорлик, биргаликда ҳаракат қилиш ва таҳдидларга бир ёқадан бош чиқариб жавоб бериш маданияти қарор топти.

Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида хавфсизлик кенгашлари, махсус хизматлар ва мудофаа идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари йўлга

Маданий ва гуманитар яқинлашув

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида охириги йилларда кечаётган маданий ва гуманитар яқинлашув бугунги минтақавий ҳамжиҳатликнинг энг ёрқин кўринишларидан биридир. Илгари сиёсий тўсиқлар, ёпиқ чегаралар ва маълум маъмурий чекловлар сабаб қардош халқлар бир-биридан бегонадай узоқлашиб қолган эди. Бугун эса бу тўсиқлар бартараф этилиб, халқларимиз ўртасидаги табиий яқинлик яна тикланмоқда. Минтақавий туризм жадал ривожланмоқда: шаҳарлараро янги авиақатновлар, автобус ва темир йўл йўналишлари очилиб, халқлар ўртасида борди-келди бир неча баробар ошди. Бугун Марказий Осиёнинг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризм улуши 80 фоиздан ошгани айнан халқлар ўртасидаги очкилик ва дўстлик ришталари қайта тикланаётганининг исботидир.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилди. “Марказий Осиё давлатлари маданият кўнари”, ёшлар форумлари, аёллар мулоқот платформаси, илмий анжуманлар, театр ва санъат фестиваллари — буларнинг барчаси халқлар қалбини яқинлаштирувчи кўприкларга айланди. Бугун қирғиз бастакорининг мусикаси Тошкентда янграса, ўзбек ёзувчисининг асари Душанбе саҳнасида қўйилмоқда, қозоқ рассомининг гўрғазмиси Самарқанда очилгипти, туркман халқ рақслари эса Фарғона саҳналарида намоийш этилмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам эътиборга сазовор: университетлар ўртасида қўшма факультетлар очилмоқда, талабалар алмашинуви кенгаймоқда, профессор-ўқитувчиларнинг биргаликдаги илмий изланишлари ортиб борапти. Ректорлар форуми, саммитлар, илмий лабораторияларни шерикликда ривожлантириш бўйича келишувлар минтақада умумий билим макони барпо этилаётганидан далолат беради.

Илм-фан соҳасида ҳам ҳамкорлик нафақат назарий, балки амалий даражада ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги, энергетика, экология, IT ва биотехнология каби йўналишларда қўшма лойиҳалар шаклланмоқда. Бу жараён Марказий Осиёни инновация ва тадқиқотлар марказига айлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Марказий Осиё плюс» формати ва ташқи сиёсий мувофиқлашув

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари дунё сиёсий харитасида фақат географик макон эмас, балки халқро муносабатлар тизимида тобора аҳамияти ортиб бораётган стратегик марказга айланмоқда. Бу жараённинг асосий драйверларидан бири Президентимиз ташаббуси билан шаклланган ва қулайиб бораётган “Марказий Осиё плюс” форматларидир.

Хусусан, маъзур формат доирасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди: “Марказий Осиё — ЕИ” саммитлари энергетика хавфсизлиги, “ашиш” иқтисодиёт, савдо ва транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Европа бугун Марказий Осиёни фақат ҳомаёш манбаи сифатида эмас, балки барқарор ривожланишнинг ишончли нуктаси деб билмоқда.

Хитой билан муносабатларда эса минтақанинг геоиқтисодий аҳамияти тўлиқ намоён бўлди. “Марказий Осиё — Хитой” саммитлари доирасида “Янги Ипак йўли” ташаббуси чинакам стратегик ҳамкорлик мазмунига эга бўлиб, транспорт-транзит инфратузилмаларида улкан имкониятлар очмоқда. Марказий Осиё бугун Шарқ билан Ғарбни боғловчи асосий йўлакка айланиб бормоқда.

Россия билан муносабатларда ҳамкорлик анъанавий дўстлик ва тарихий яқинликка таянади. “Марказий Осиё — Россия” формати хавфсизлик, меҳнат миграцияси, санаот кооперацияси ва қўшма инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Минтақа давлатлари Россия билан сиёсий ва иқтисодий масалаларда очик ва прагматик мулоқотни йўлга қўйгани барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

Марказий Осиёда Президентимиз бошлаб берган минтақавий яқинлашув жараёни бугун нафақат сиёсий воқеликни, балки бутун минтақа келажани белгилаб бевурич тарихий бурилиш сифатида намоён бўлмоқда. Яқин ўтмишда эҳтиёткорлик ва зиддиятлар соясида қолиб кетган қардош давлатлар эндиликда очик мулоқот, ўзаро ишонч ва яхши кўшнчилик асосида янги сиёсий маданиятни шакллантирмоқда. Чегаралар масаласини ҳуқуқий ҳал этиш, сув-энергетика ресурсларидан адолатли фойдаланиш, транспорт ва иқтисодий боғлиқлиқни кенгайтириш, ёнма-ён яшовчи миллатларнинг тарихи, маданияти ва қалбини бирлаштираётган гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш Марказий Осиёни тинчлик ва тараққиёт макони сифатида қайта яратиш йўлидаги дадил қадамлардир. Президентимиз тақлиф этган “деворлар эмас, кўприклар қуриш” сиёсати минтақада бирдамликнинг янги фалсафасини вужудга келтирди. Бу фалсафада бир давлатнинг муваффақияти — бутун минтақа ютуғи, бир халқнинг фаровонлиги — барчаннинг қувончи сифатида қабул қилинади.

Ғофуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчик давлат педагогика университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

ҚАШҚАДАРЁ
ТОМОНЛАРДА

ЭСКИ СТАДИОН
КЎРКАМ
ҚИЁФАДА

Яккабоғ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ҳудуддаги марказий стадионни замонавий андозалар асосида тўлиқ қайта реконструкция қилишга киришилди.



“Гранд Эллада” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида стадион қиёфаси тўдан янгиланиб, бу ерда нафақат спорт мусобақалари, балки маданий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Хусусан, лойиҳада трибуналарнинг бир қисминини ёпиқ ҳолатга ўтказиш, стадион ҳудудида фаввора ва тунги ёриткичлар қўнатиш, зарур инфратузилма қурилмаларини барпо этиш кўзда тутилган.

Мазкур иншоотнинг янгиланиши туманда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қиладди.

САБЗАВОТЧИЛИК
— МАҲАЛЛА
ДРАЙВЕРИ

Косон туманидаги Эсабой маҳалласи сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги ютуқлари билан ном қозongan. Айни пайтда бу ерда бир мавсумнинг ўзида 80 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинмоқда.



— Маҳалламиз аҳли азал-азалдан сабзавотчилик билан шуғулланиб келган, — дейди Эсабой маҳалласида истикомат қилувчи Нурилло Оди-ров. — Лекин авваллари бу фаолиятдан даромад олиш осон эмасди. Чунки шарт-шароит йўқ эди. Масалан, бундан етти-саккиз йил олдин маҳалламизга мавсумда бир-икки марта оқар сув келар, экинларимиз қуриб қолган вақтлар кўп бўларди. Ҳозир эса артезиан қудуқлардан фойдаланиб, ўз вақтида экинларни суғура оламиз. Тадбиркорлар томонидан қурилган бир неча музлаткичлар боис етиштирилган маҳсулотни сақлашда қийинчилик йўқ. Натижада оилаларнинг сабзавотчиликдан олаётган даромади ҳам бир неча мартаба ошди.

ҲЕЧ КИМ МЕҲР
ВА ЭЪТИБОРДАН
ЧЕТДА ЭМАС

Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри биносида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг хайрия акцияси ташкил қилинди.



Вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда жисмоний имконияти чекланганига қарамасдан бирор-бир ҳунарни пухта эгаллаган ва бу ишни фаолият йўналишига айлантирган фуқаролар томонидан тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари, турли аксессуарлар, ўйинчоқлар ва бошқа буюмларнинг бозори қизиди.

Хайрия акцияси доирасида “Инклюзив аукцион” ҳам ташкил қилиниб, имконияти чекланган шахслар томонидан яратилган маҳсулотлар сотувга қўйилди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЧЎПОН ЧЎПОНЛИККА ҚИРҚ ЙИЛДА ЕТАДИ

Қизилқум бағрида аждодларимиз азалдан чорва боқиб, ўзбек қоракўлчилиги довуғини дунёга танитган. Чўл иқлимига хос инжикликлар — сув таъминоти, гармсел, тонгги шудринг каби қийинчиликлар бу ерлик чорвадорлар учун бегона эмас. Улар бу машаққатларни асрий тажриба ва омилкорлик билан енгиб келишади.

Ислохот

— Ёз чилласида бир кун сувсиз қолган қўй қишдан чиқмайди, — дейди Қонимех туманининг олис Боймурод овули қудуғининг чўпони Умрзқ Жаманбоев. — Ёзги гармселда ётиб қолган қўй ҳам қайта ўнганмайди. Шунинг учун гармсел вақтларида сурувни гармага ёйиб, қўй-қўзининг илғигини тўлдириб юрамиз. Қишда эса қўлдаги энг катта хавф — тонгги шудринг. Тунда ёйилмаган сурув оч қоринга шудринг босган шувову ўтни эса, қўйнинг касалланиши ёки бола ташлаши аниқ. Шу боис кечки соат ўн-ўн бирдан тонгги түрт-бешгача сурувнинг ортидан қолмаймиз. Иродаси қўйнинг туёғидан қаттиқ киши чўлда нон топади. Бу ҳаёт тарзи болалигимиздан сингиб, чўпон таёғимиз ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Бироқ ўтган асрнинг сўнгги йигирма йилда юз берган айрим омиллар соҳага жиддий таъсир кўрсатди. Иқтисодий ўзгаришлар, бозор талаб-ёғиёжларининг алмашиши, давлат ҳўжаликларининг турли шаклларга айлантирилиши Қизилқумда масўлиятни чўпонлар зиммасига юклади. Аҳоли қўп йиллар давомида муаммолар баҳораси сифатида “давлат ёрдам бермаяпти”, деб ҳисоблади. Аммо илдишлар анча чўкур эди.

Муасталиқнинг дастлабки йилларида қоракўлчиликка иқтисослаштирилган совхоз ва колхозлар ширкатларга, сўн МЧЖларга айлантирилди. Лекин бу

ўзгаришлар мол бошини сақлаб қолмади. Бир вақтлар бир ярим миллион бош қоракўл қўй боқилган Учқудўк ва Томди туманлари яйловлари бўшаб қолди. Нурота ва Қонимехдаги чорвачилик ҳўжаликлари инқироз остонасига келиб, айрим раҳбарлар ва чўпонлар талон-торожликда айбланиб, жавобгарликка тортилди. Аслида эса дунё мўйначилигида қоракўл терисига талаб кескин камайган, қоракўл зотли ҳўжаликлари гўшт йўналишига ўтказиш вақти келганди.

— Ислохотлар ўзини оқламади, — дейди соҳанинг фаҳрийси Мустафо Эгамқулов. — Аксинча, ҳисори ва ча-тишма қўйларни қўпайтириб, бозорга



нинг мулки бўлса, бугунга келиб бу-нинг аксини қузатиш мумкин. Бошқа-чароқ айтсақ, Қизилқумга чорвадорни манфаат фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда.

Мисол учун Умрзққ Жаманбоев бугун минг бошга яқин қўйларни боқади. Унинг меҳнатида тадбиркор томонидан 3,5 миллион сўм ойлик маош, ҳар ой гўшт учун бир қўй берилади. Йил якунида унумдан келиб чиқиб эллик миллион сўмгача рағбатлантирилади. Бундан ташқари, ёзининг жазирамасида тадбиркор чўпон учун икки ҳафтага Чор-воқдан бирорта дала-ҳовлини ижарага

Бу — бир йилда тахминан 3,5 миллиард сўмлик даромад. Қоракўлчиликда бу каби рақамга эришиш мушкул: бир дона қоракўл териси тахминан 50 минг сўм турса, минг донаси ҳам 50 миллион сўмдан ошмайди.

— Қирқ уч йил чўпонлик қилиб, 2010 йили нафақага чиқдим, — дейди нуроталик меҳнат фаҳрийси Қурбон Эргашев. — Колхозда ҳам, ширкатда ҳам, МЧЖда ҳам иш ҳақи деган нарса бўлмаган. Кузда қўзи, шолғом, сабзи ва бошқа рўзгорга керакли маҳсулотлар билан ҳисоб-китоб қилишарди. Қўзини сотиб, етмаганига, ўзимиздан қўшиб кун кўрардик.

Таъкидлаш жоизки, биз қоракўлчи-ликдан бутунлай воз кечиш керак, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Чунки дунёга “Бухоро қоракўли” номи билан танилган ўзбек мўйначилиги — миллат ифтихори. Уни асраш, нас-чли-лик ишларини ривожлантириш, қоракўл қўйларининг элита генофон-дини қўпайтириш мақсадида қўп йил-лар давомида жиддий селекция иш-лари олиб борилмоқда. Нурота туманидаги “Нурота”, Қонимех туманида-ги “Қонимех” нас-члилик ҳўжаликлари-да “Зармалла” ва “Саржол” навлари-га асос солингани, “Абай” нас-члилик ҳўжалигида эса 1993 йили қумуш су-рининг “Ўзбекистон” навининг яратили-ши шулар жумласидан. Бироқ бугунги кунда қоракўл телпак ёки қулоқчин кийган одамни қўча-қўйда деярли уч-

ратмайсиз. Алоҳида маросимлардан ташқари, ёшлар бу бош кийимдан уму-ман фойдаланишмайди. Европа мам-лакатлари эса мўйнадан ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ воз кечган. Демак, Қизилқум чорвачилигини мўйна йўна-лишидан гўштчиликка ўтказиш зару-рати анчадан бери мавжуд эди.

2024 йил 1 ноябрь куни Президенти-миз Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йи-ғилишда айнан шу масалага тўхталиб, 2024 — 2026 йилларда Мўғулистон-дан гўшт ва жун йўналишидаги қўй-эчкиларни олиб келиш вазифасини белгиледи.

— Ўшбу топшириқлар ижроси дои-расида ветеринар олимлар томонидан иқлим шароитимизга мос “Баят” зотли қўйлар танланди, — дейди Ветерина-рия ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Ойбек Низамов. — Уларнинг тирик вази 70 — 80 килограмм, қўчор-лари 100 — 120 килограммгача етади. Гўшт чиқими тирик вазига нисбатан 60 фоизни ташкил этади.

Ўтган йилда Қонимех туманига 50 минг бош ўшбу зотдаги қўйлар келтирилди. Уларнинг 750 боши Ум-рзққ Жаманбоев отариға ахратилиб, чўл иқлимига мослаштирилди.

— Аввалига бу қўйлар ўзларини бе-гона тутиб туришди, — дейди чўпон. — Ҳозир ўрганиб кетди. Шу йил қўлдамда дастлабки қўзини олдиқ. Ўтган йили қўз-

да олиб келганимиз яхши бўлган экан, анчагина қўчқор қўзилар ҳам туғилди. Энди насиб этса, зот бузилмаслиғи таъ-минланади.

Мўғулистондан келтирилган қўйлар транспорт харажатиға давлат томони-дан 50 фоиз субсидия берилиши эса чўпонлар учун катта енгилик. Бу имко-ният ҳисобидан отарларда зарур инфратузилмалар — ҳашақ омборлари, майдалаш агрегатлари, юк машинаси, трактор ва тиркама, арпа ва бўғдойға тўла контейнерлар, ёқилғи-мойлаш ма-териаллари ва дори-дармонли музлат-кичлар яратилмоқда. Қизилқумда чўпон-ларнинг асосий муаммолари баргараф этилмоқда. Табиий ўтлашга асослан-ган гўшт етиштириш ҳажми ва сифати ошмоқда.

Табиий гўшт — ҳар бир мамлакатда аҳоли фаровонлигининг муҳим кўрсат-кичларидан биридир. Чунки табиий йўл билан етиштирилган гўшт бозорларға кириб келмас экан, бўрдоқчилик ор-қали олинган гўшт истеъмолға урвоқ ҳам бўлмайди. Қанча ишлов берилма-син, унинг таъми ва сифати табиий да-ражаға етмайди. Шу боис аҳоли ҳақиқий, табиий йўл билан етиштирил-ган гўштни излаб, қиммат бўлса ҳам, сотиб олишға тайёр. Бугунги бозорда-ги манзара ҳам бу ҳақиқатни очиқ-ой-дин кўрсатиб турибди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУНАВВАР ТОНГИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида ер билан тиллашиб, маҳалладошлари оиласига барака киритаётган меҳнаткаш аёллар қўп. Тумандаги “Раъно Камаловна” фермер ҳўжалиғи раҳбари Раъно Юлдашева ана шундай миришкорлардан. Фермер ҳўжалиғи аззолари жами 15 гектарға яқин майдонда деҳқончилик қилади. Шундан 5 гектарида узумнинг бир неча нави етиштирилди. Ёзда узумнинг маҳаллий эртапишар навларидан “Чарос”, “Хусайни” етиштирилса, кузда “Тоифи” пишиб етилади.

Омилкорлик



— Оролбўйи шароитига мос узум навларининг яхши томони узилгандан кейин ҳам таъми ўзи билан сақланади. Шундан харидори қўп, — дейди Раъно Юлдашева. — Кузда об-ҳаво салқинлашганда “Тоифи” узумининг мазасига янада шира ки-ради. Узумчилик сердаромад йўналиш, машаққа-ти ҳам шунга яраша. Қорақалпоғистонда киш совуқ келгани боис кузда тупроқ остига қўмиш, баҳор-да қайта очиш ишлари катта меҳнати талаб қи-лади. Токларни пайвандлаш, агротехник тадбирлар пайтида тажрибам етмаган пайтлари ҳам бўлган. Чўнки ҳўжаликни турмуш ўртоғим бошқарди. Қу-тилмаган хасталик туфайли дунёдан ўтганде, у ки-шининг кечани кеча, кундузми кундуз демай қил-ган меҳнатларини қўз олдимға келтириб: “Наҳот, боғни сақлаб қолиш қўлимдан келмайди?” дея ҳаракатға тушдим. Фарзандларим ҳам ёнимда ту-ришди...

Айни пайтда тоқзоримизнинг 3 гектари меваға кирган. Икки гектариға субсидия асосида 33 мил-лион сўм кредит эвазига Фарғонадан келтирил-ган янги навлардан экиб парваришляпмиз. Ҳара-катда — баракат. Йилиға 10 тонна узумни бозор-ға чиқаряпмиз. Меҳнатимиз ортидан келин олиб, қиз узатдим. Уй таъмиридан тортиб, машина ха-ридиғача ризқимиз мўъжазғина шу боғимиз орти-дан.

Тонг отди дегунча тоқзорларни оралайман, ме-валарни қўриб баҳридилдим очилди. Давлатимиз томонидан тадбиркорларға, фермерларға яратиб берилаётган шароит ва имкониятлардан фойда-ланиб боғимизни кенгайтирмоқдамиз. Келгуси йил

олма, нок ва янги узум навлари ҳам ҳосилға ки-ради. Мақсадим бозорларимизни арзон, сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ва экспортға чиқаришдир.

Мазкур фермер ҳўжалиғи ҳосилнинг асосий қисмини Қозоғистонға экспорт қилмоқда. Дастлабки жўнатилган 4 тонна узум манзилға етиб борди. Ўн икки нафар мавсумий ишчи ҳосилни териб, қадоқлашда ёрдам бермоқда. Қўшни дав-латларда ҳам Қорақалпоғистонда етиштирилган мевалар харидорғир. Ўз вақтида агротехник тад-бирларни амалға ошириш, қилинган меҳнат узум-нинг яхши ҳосил беришиға сабаб бўлади.

Раъно опанинг шижоатидан илҳомланган Му-наввар Рўзиева ҳам қўп йиллардан бери гулчилик билан шугулландаи.

— Шу хонадонға келин бўлиб тушганимға 15 йил бўлди, — дейди М. Рўзиева. — Аввалдан бу хонадон қўнччилик, гулчилик билан шугуллан-ган. Бошида гулчиликни, иссиқхона ишларини бил-масдим. Қайнонам бошчилиғида уч нафар овси-нимнинг кун бўйи ҳовли этағидаги иссиқхонада гул парвариши билан шугулланишлари, кечқурун дастурхон атрофида бажарилган ишларни муҳо-кама қилишлари гулчиликка қизиқиш уйғотди. Гул-лар — мисоли табиб. Уларға қарасанг, кўнглинг ёзилади. Ҳеч бир кун йўқки, хонадонимизға хари-дорлар ташриф буюрмаган бўлса. Ҳали у гулни, ҳали бу гулни сураб келишади. Асосан, “Бахт гули”, “Геран”, “Фикус”, “Пальма”, “Кактус” син-гари гулларнинг бозори чаққон. Ҳар бир хари-дорнинг ташрифи хонадонимиз учун барака. Мав-сумда маҳалламизда ишсиз ўтирган аёлларни ҳам жалб қиламиз.

“Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чи-ройлик”, дея бежиз айтилмаган. Ўшбу туманининг “Шаббоз” овул фуқаролар йиғинидаги Раъно Юл-дашева бошчилиғида етиштирилаётган маҳсулот-лар бугун қўшни республикаларда ҳам сотилиб, юртимизнинг экспорт салоҳиятини кўтармоқда. Бўстон маҳалласидаги Мунаввар Рўзиева эса на-фақат томорқасини, балки маҳалласини ҳам гул-лар бўстонига айлантирмоқда. Бу ишни қўнчили-сига айлантиришға катта ҳисса қўшмоқда.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).



Қарор ижроси
ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ
Бозор иқтисодиётининг бу тамойили паррандачилик ривожига ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда

Бугун исталган супермаркет ёки озиқ-овқат дўконларидан аҳоли талабига мос парранда гўшти ва тухум маҳсулотларини топиш мумкин. Оқсилға бой ва сервитамин бу маҳсулотлар харидорғирлиғи билан ажралиб туради. Айниқса, тухумнинг нархи бошқа оқсил манбаларига нисбатан анча ҳамёнбоп бўлгани учун иқтисодий жиҳатдан тежамкор оилаларнинг қилими танловига айланган. Талабнинг ортиши ортида фақат нарх омиллари эмас, балки бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва соғлом овқатланишға доир тенденциялар ҳам турибди. Аҳоли орасида тўғри овқатланиш маданияти кучайиб, сифатли оқсил ва табиий витаминларға бўлган эҳтиёж ошиб бораётгани ҳам бу жараённи тезлаштирмоқда.



Шу жиҳатдан, сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ аҳолисини банд этишда алоҳида аҳамиятға эға истиқбол-ли тармоқлардан бири бўлган паррандачиликни ривожланти-ришға катта эътибор қаратилмоқ-да. Айниқса, зарур инфратузил-мани яратиш, амалиётға замона-вий технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулдор парранда зот-ларини қўпайтириш борасидаги кенг қамровли ишлар ўз самара-сини бериб, тухум ва товۇқ гўшти ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 27 июндаги “Паррандачилик со-ҳасини янада қўллаб-қувватлаш, замонавий генетик технологиялар ва кооперация тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўшбу йўналишда олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичға қўтариш имконини берди. Мазкур ҳужат-ға кўра, 2030 йил 1 январға қадар паррандачилик маҳсулотла-ри ишлаб чиқарувчи тадбиркор-лик субъектлари юридик шахс-лардан олинадиган ер солиғини (ёкин майдонларидан ташқари) тўлашдан озод этилди, 2024 йил 1 июлдан бошлаб парранда гўштини (ТИФ ТН коди 0207) экспортға чиқаришда мавжуд барча чекловлар бекор қилинди, шунинг билан биргаликда четдан келтириладиган насли ҳўжалар-ға субсидиялар ахратиш жорий этилган.

— Бу имтиёз ва қулайликлар-нинг ижобий таъсири яққол се-зилға бошлади, — дейди “Парран-дасаноат” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Улугбек Аҳмедов. — Аввало, фаолият қўла-ми кенгайиб, маҳсулот сифати

яхшиланди. Қолаверса, тармоқда замонавий технология ва инно-вациялар кириб келиш жадал тус олди. Буларнинг самараси улароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида 417,4 тонна пархёз товۇқ гўшти ва 4 млрд. дона тухум ишлаб чи-қарилди. Бу борада хорижий му-тахассислар тажрибаси ҳам қўл келаяётганини таъкидлаш жоиз. Шу йилнинг 17 ноябрь куни Ўзбекистон паррандачиларининг VIII халқаро паррандачилик фору-ми ўтказилган, унда АҚШ, Хитой, Германия, Нидерландия, Испания, Чехия, Дания, Венгрия, Малайзия, Туркия, Россия, Бела-русь, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистондан 150 дан ортиқ компанияларнинг вакиллари иш-тирок этгани эътиборға молик. Паррандачиларимиз халқаро ҳам-корлар билан Ўзбекистондаги мавжуд қувватларни кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш технолоҗи-ларини яратиш, озуқа-ем ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг илғор усулларини жорий қилиш борасида фикрлашишди.

Дарҳақиқат, бундай халқаро анжуманлар муваффақиятлар қўламсини янада мустаҳкамлашға имконият яратяпти. Ана шу таж-рибалар асосида паррандалар наслини яхшилаш, замонавий инкубаторлар сонини қўпайтириш ишлари ҳажми кенгайтирилмоқда. Масалан, Самарқанд, Урта Чирчиқ, Балиқчи туманларида йи-лиға 72 млн. бош ҳўжа етишти-риш қувватиға эға инкубаторлар ишға туширилган бўлса, Оҳанҗо-рон, Нукус, Бекобод туманлари-да насли паррандачилик ҳўжа-ликларини бунёд этиш ишлари якуниға етказилляпти. Шунингдек, Оҳанҗор ва Жомбой туманла-рида йилиға 700 минг тонна пар-ранда озуқаси ишлаб чиқаришға



мўлжалланган корхона ва дон сақлаш омборхоналари ҳам қурилмоқда.

Парранда гўшtidан тайёрлан-ган озиқ-овқат маҳсулотлари пархёз таом бўлиб, унга аҳоли ўртасида талаб юқори. Бу эҳти-ёжни қондириш борасида Хоразм вилоятида амалға оширилаётган ишлар таҳсинға сазовор. Бу ҳудудда 2025-2026 йилларда Тур-кия тажрибаси асосида парран-да гўшти етиштириш ва қайта иш-лаш учун тайёр бизнес лойиҳаси ишлаб чиқилган. Қўямати 70 млн. долларға тенг бўлган ўшбу лойиҳа доррасида йилиға 60 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш қўзда тутилган. Бу эса нафақат ички бозорни таъминлаш, балки экспорт салоҳиятини ошириш им-конини ҳам беради.

Бу каби истиқболли лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудуд-ларида ҳам амалға оширилмоқ-да. Бунга Сайхунобод туманида рўёбға чиқарилаётган 200 минг бош парранда боқишға мўлжал-ланган лойиҳа, АҚШнинг “Aviagen group” компанияси томонидан Жиззах вилоятида ташкил эти-лаётган 100 минг бош парранда парваришлаш қувватиға эға нас-ччилик корхонаси яққол ми-сол бўла олади. Шунингдек, Са-марқанд вилоятида ҳам Ветери-нария ва чорвачиликни ривож-лантириш қўмитаси, “Парранда-саноат” уюшмаси ҳамда “Qo’shrabot Boksmeer ragranda” МЧЖ томо-нидан Нидерландиянинг “Hendrix genetics” компанияси билан ҳам-корликда тухум йўналишидаги нас-чи-

лик корхонасини ташкил этиш бўйича келишувға эришилган.

— Паррандачилик қишлоқ ҳўжалигининг энг тез ривожла-наётган ва иқтисодий жиҳатдан самарали йўналишларидан бири-дир, — дейди Асака туманидаги “Барака Ҳамкор Парранда” ҳу-сусий корхонаси раҳбари Шўҳрат-бек Алиев. — Дунёда оқсилға бой озиқ-овқат маҳсулотларига ошиб бораётган талабни қондиришда айнан паррандачиликнинг ҳисса-си юқори эканлиғи ҳам унинг стратегик аҳамиятини кўрсатади. Бизнинг корхонамизда айни пайт-да 1 млн.та товۇқ боқилляпти. Ўтган 9 ойда 5098 тонна пархёз гўшт, 32,5 млн.та тухум ишлаб чиқардик. Жўжа очириш ишлари-ға ҳам катта аҳамият қаратилля-пти. Инкубаторларда жорий йил-нинг ўтган даврида 2,2 млн. жўжа очирилгани ютуқларимиз салмо-ғини анча оширди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Ш. Алиев мамлакатимиз раҳбари-нинг Оролбўйининг чекка ҳудуд-ларига инвестиция киритиш бо-расидаги даъватига жавобан хайрли ишға қўл урди — Кеҗейли туманидаги “Жузум бағ” овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Kegeyli baraka naslii ragranda” корхонасини ташкил этди. Бу ерда 50 та доимий ва 40 та мав-сумий иш ўрни яратилиб, уларға овул ёшлари жалб қилинди. Айни пайтда корхона томонидан ис-теъмоличиларға кунига 76,5 мингта тухум етказиб берилмоқда. Йи-лиға 20 640 бош жўжа очирилляпти.

— Бир кеча-кундузда 100 тонна ем ишлаб чиқаришға мўлжаллан-ган лойиҳанинг ишға туширилга-ни хомашини четдан сотиб олиш харажатларимизни камайтириб, бизнесни кенгайтириш имконини берди, — дейди тадбиркор. — Айни пайтда Венгриянинг “Авиа-ген” компанияси билан “РОСС-308” зотли насли паррандалар учун 1,1 миллион европик шартно-ма тузилид ва 65 988 бош насли жўжа олиб келиниб парвариш-ланмоқда.

Мамлакатимизда Президент қарори асосида биргина парранда-чилик тармоғида умумий қўямати 1,5 трлн. сўмлик 203 та лойиҳа амалға оширилиб, 101 млн. дона тухум ва 51 минг тонна парранда гўшти етиштириш имконини берадиган қўшимча қувватлар ишға ту-ширилди. Бунинг ҳисобиға 2 276 та янги иш ўрни очилди. Тармоқда иқтисослаштирилган ҳўжаликлардаги ем ишлаб чиқариш қувватла-рини модернизация қилиш эвазига мавжуд қувват 30 фоизға оши-рилиб, 1,6 млн. тоннаға етказилди.

Буларнинг барчаси юртимизда “етти хазинанинг бири” деб таъриф-ланадиган паррандачиликни йил давомида ривожлантириш учун қулай табиий иқлим шароитидан унумли фойдаланган ҳолда ҳаҳон бозорига талаб юқори бўлган тухум ва пархёз гўшт маҳсулотлари билан дадил кириб бориш имкониятини кенгайтиришға хизмат қилади.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Қатар бозорига «Products of Uzbekistan» бренди остида 15 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинади.

ХАЛҚЧИЛ ТИББИЁТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Соғлиқни сақлаш тизими ҳар бир давлатнинг устувор стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки аҳоли саломатлиги — иқтисодий ўсиш, демографик барқарорлик, инсон капитали ривожланиши ва жамият фаровонлиги давлат қудратининг асосидир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш, тизимни модернизация қилиш ва уни замонавий стандартларга мослаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тиббиётни ривожлантириш — бу фақат соҳага оид чора-тадбирлар эмас, балки бутун жамият ҳаётига таъсир этувчи кенг қамровли дастур мажмуига айланди.

Нуктаи назар

Мамлакатимизда оналар ва болалар, айниқса, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлиги энг устувор вазифалардан. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2017 йилдан буён оналар ўлими 21 фоиздан 11 фоизга, чақалоқлар ўлими 11,5 фоиздан 7,8 фоизга камайгани, ўртача умр кўриш 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани фикримиз тасдиғи, албатта. Ушбу соҳани молиявий таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга оширилмоқда. Биргина 2022 йилда болаларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича 270,6 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2024 йилда ушбу соҳага 388,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Илғор тажрибага асосланган янги модель

Сўнгги беш йилда бир қатор педиатрия хизмати муассасалари модернизация қилиниб, замонавий юқори технология операцияларини ўтказишга мўлжалланган техникалар билан жиҳозланди. Оналар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада камайди. Бир ёшгача бўлган болаларда кўрак сути билан озиқлантириш улуши ошди, беш ёшгача бўлган болалар ўртасида ортқча вазн 4,2 фоизга камайди.

Бирламчи бўғинни кучайтириш мақсадида халқаро тажрибага асосланган янги модель жорий этилди: қисқа муддатда 490 та муассаса қайта ташкил этилди, 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолият бошлади. Рақамлаштириш йўналишида ягона плат-форма — “DMED” ишга туширилиб, унга 36 млн. фуқаронинг тиббий маълумотлари интеграция қилиниб, тез тиббий ёрдам қақириқларини электрон бошқариш амалиёти йўлга қўйилди.

Тиббиётда хусусий сектор улуши ортиб, клиникалар сони 3,5 мингдан 9 мингга етди, хизмат турлари 50 тадан 130 тагача кўпайди. Фармацевтика ишлаб чиқариши 1,4 трлн. сўмдан 6,3 трлн. сўмга, экспорт ҳажми 6,3 млн. доллардан 250 млн. долларга ўсди.

Шу билан бирга, тиббий инфраструктузилмани янгилаш мақсадида 187 та шифохона ҳамда поликлиника ишга тушди ва 1244 та ши-



фохона ҳамда поликлиникалар капитал таъмирланди. Фақат пойтахт ёки вилоят марказларида мавжуд бўлган 400 дан ортиқ диагностика ва даволаш хизматлари эндиликда чекка туманларда ҳам барпо этиляпти.

Вилоятларда тез ёрдам парклари тўлиқ янгиланди. Юзлаб МРТ, МСКТ, КТ, онкология учун линей акселераторлар, PET/CT, рақамли маммографиялар, рентген, эндоскопия, ангиография каби замонавий ускуналар тиббий амалиётлар учун муассасаларга ўрнатилди. Бу эса эрта ташхис қўйиш имкониятини оширди, қўллаб операцияларни роботлаштирилган жарроҳлик усулида ёки кам инвазив усулда ўтказишга шароит яратилди. Шифохоналар жаҳон стандартлари даражасида ишлаши учун халқаро аккредитациялардан ўтиш механизмлари жорий этилди. Тиббиётга робот-жарроҳлар, автоматлаштирилган диагностика комплекслари, сунъий интеллект асосида ишловчи тизимлардан фойдаланиш тиббий хизмат сифати ҳамда хавфсизлигининг янги босқичини бошлаб берди.

Илм, амалиёт ва халқаро ҳамкорлик

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт олийгоҳларида хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда теле-тиббиёт ва сунъий интеллект асосидаги диагностика бўйича қўша лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университети талабалари, резидентлари симуляцион марказларда ўқитилаётир ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимида кескин бурилиш ясамоқда.

Юрак-қон томир тизимида клапанларни алмаштириш, туғма нуқсонларни бартараф қилиш, аорта

аневризмаси ва коронар қон томирларидаги амалиётлар туман ва вилоят марказларида ҳам бажаришмоқда. Нейрожарроҳлик йўналишида энг мураккаб операциялар маҳаллий малакали шифокорлар томонидан амалга оширилаётганлиги тахсинга сазовор.

Жумладан, жорий йилда Самарқанд давлат тиббиёт университети профессорлари — нейро-жарроҳлари томонидан илк бор “Parkinson” касалиги учун нейростимулятор (микроимплант) ўрнатиш микрохирургик амалиёти муваффақиятли бажарилди. Нейроэндоскопик жарроҳлик усули билан туғма ёки асаб патологияси билан оғриган беморда биринчи марта “vertical hemispherotomy” жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Илк бор бош миёдаги агрессив хавфли ўсимта олиб ташланди. Бундан ташқари, “Инсон танаси аъзоларини “3D” моделлаштириш жарроҳлик амалиёти ўтказилди. “Нерв тизими сунъий интеллект ёрдамида илмий тадқиқ қилиш” каби илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этилди. Эндоскопия ва ортопедия, юз-жағ жарроҳлиги, гинекология соҳаларида юқори технологияли амалиётлар нафақат марказда, балки барча вилоятларда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Сир эмас, “сиам эгизаклари”ни

катта жамоа иштирок этади. Мазкур амалиётнинг бажарилиши тиббиётимизнинг юксак ривожланиш босқичида эканлигини намоён қилиб, миллий жарроҳликнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Рағбат — соҳа ривожининг кафолати

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан 2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари ходимлари учун беш кунлик иш ҳафтаси жорий этиладиган бўлди. Қолаверса, давлат тиббиёт муассасаларида камида 3 йил иш стажига эга ходимлар учун бепул юқори технологик тиббий ёрдам, 15 йилдан ортиқ стаж билан борлар учун санаторийга бепул йўлланма берилиши, давлат хизматлари учун тўловлар икки баробарга камайирилиши қўзда тутилгани ҳам тиббиёт ходимларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлашнинг чинакам янги тарихий саҳифасини очиб берди.

Қувонарлиси, қарорга мувофиқ, туман даражасида янги даволаш усулини жорий этган давлат шифокорлари — БХМнинг 50 баравари миқдорида мукофот олади, 15 йил иш стажига эга давлат тиббиёт ва фармацевтика



ажратиш тиббиётдаги энг мураккаб амалиётлардан бири бўлиб, фақат малакали мутахассислар, юксак технология ва аниқ режалаштириш туфайли муваффақиятли ўтади. Ўзбекистон шифокорлари икки маротаба “сиам эгизаклари”ни муваффақиятли ажратгани эришишди. Бу жамоавий ёндашувни талаб қиладиган, фақатгина ривожланган давлатларнинг ётачки жарроҳлик марказлари мутахассислари уddaлай оладиган мураккаб амалиётдир. Ушбу жараёнда неонатологлар, болалар жарроҳи, қон томир хирургии, анестезиолог ва реаниматологлардан иборат

ходимлари фарзандлари учун олий таълим шартномасининг 30 фоизи қоплаб берилади. Ҳар йили 500 нафар давлат тиббиёт ходими уй-жой ипотекасининг 25 фоиз дастлабки бадала билан қўллаб-қувватланади. Миллий аккредитациядан ўтган давлат муассасалари ходимларини маошининг 10 фоизи миқдорида устама берилади.

Бундай имтиёзлар орқали нафақат шифокорларнинг меҳнати қадрланади, балки соҳа ривожланиши, фидойи кадрлар шаклланиши учун мустаҳкам пойдевор ҳам яратилади.

Кадрлар тайёрлашда кескин бурилиш

Тиббий таълимнинг ривожланиши — бу соғлиқни сақлаш тизимининг энг асосий ва узоқ муддатли самара берувчи йўналишидир. Замонавий тиббиёт ривожини, аввало, юқори малакали шифокорлар, ҳамширалар ва тиббий мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ. Чунки тиббий хизмат сифати тўғридан-тўғри уни амалга ошираётган кадрлар савиясига боғлиқ.

Шу боис тиббий таълим ҳар қандай соғлиқни сақлаш тизимининг асосий пойдевори ҳисобланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, тиббий таълим — соҳа юраги. Таълим яхшиланмаса, тиббиёт ривожланмайд.

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларининг бакалавр босқичида педиатрия ва даволаш йўналишларини ўз ичига олган умумий тиббиёт факультети очилиши ҳам тизимдаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Уларда оилавий шифокор мутахассислиги бўйича резидентура ва магистратура ҳам йўлга қўйилди.

Тиббиёт технологиялари тез ўзгариб бораётгани сабабли, тиббий таълим ҳам янгиланиши керак. Яратилаётган “Янги оила шифокори институти” аҳолига тез, мунтазам тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради. Тиббий маданият, превентив ва предиктив тиббиёт тамойиллари аҳоли орасида кенг ёйилади, инсон ўзи ва оиласининг соғлиғи учун авваламбор ўзи масъул бўлиши кераклигини тушунтириш орқали профилактика ҳамда умумий саломатлик даражасини кўтарди.

Тиббий таълимда ўқув сифатини баҳолаш бўйича уч босқичли тизимга ўтилиши тиббиёт олийгоҳларининг бакалавр босқичида талабаларнинг фундаментал ва клиник фанлар бўйича билим ҳамда кўникмалари ошишини таъминлайди. Резидентурани тугатган шифокорлар эса ихтисослиги бўйича синовлардан ўтгандан кейингина мутахассис сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, тиббий фаолият юритишга рухсат берилади.

Бугун фуқаролар учун тезкор, шаффоф ва сифатли тиббий хизмат кўрсатадиган янги тизим яратилди. Бу йўлда жамият, давлат ҳамда тиббиёт ходимларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари катта муваффақият гарови ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон тиббиёти келажақда инсон ҳаётини олий қадрият деб ҳисоблайдиган, замонавий технологиялар билан қуролланган, юқори малакали шифокорлар билан таъминланган, рақобатбардош ва глобал стандартларга мувофиқ миллий тизимга айланади.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.



ХАБАРЛАРИ

ВОДИЙ ЖАМОАЛАРИДА МУРАББИЙЛАР ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон суперлигасида иштирок этадиган водийнинг уч жамоаси — “Нефтчи”, “Навбахор” ва “Андижон”га янги мураббийлар тайинланди. Эътиборлиси, ҳар учала клуб ҳам сўнгги йилларда юртимиз футбол ривожига катта ҳисса қўшган шахслар билан шартнома имзолади.



Амалдаги чемпион “Нефтчи” Ўзбекистон “U-17” терма жамоасини Осиё чемпионлигига етаклаган ва Қатарда уюштирилган мундиалнинг нимчорак финалига олиб чиққан мураббий Исроилбек Исмоилов билан янги мавсумга тайёргарлик кўради.

Ўтган йили Ўзбекистон кубоги соҳибни бўлган “Андижон” жамоаси эса Самвел Бабаёни бош мураббийликка таклиф этди. Бабаёни фаолияти давомида “Пахтакор”, “Навбахор”, “Спартак” (Латвия), “Локомотив”, “Чанчун Ятай” (Хитой) каби клубларни бошқарган. Шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоасига ҳам мураббийлик қилган.

“Навбахор” эса Тимур Кападзе билан икки томонлама келишувга эришиб, 2026 йилги Ўзбекистон суперлигасини унинг мураббийлигида ўтказадиган бўлди.

ЎТКИР ЮСУПОВ ҚАЕРДА ЎЙНАЙДИ?

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг асосий дарвозабони Ўткир Юсупов фаолиятини юртимизда давом эттириши мумкин.



“Нефтчи” ва “Андижон”нинг асосий трансфер мақсади бўлган миллий терма жамоа юлдузи билан “Навбахор” оғзаки келишувга эришган. Трансфер ҳуқуқи Эроннинг “Фулад” жамоасига тегишли бўлган дарвозабон ҳозирги кунда “CAFA” финалида олган жароҳатини даволаш билан банд. Унинг эронликлар билан тузган шартномаси 2026 йил ёзида тугайди.

Маълумот учун, Ўткир Юсупов айнан “Навбахор”дан “Фулад”га ўтганди.

ОСИЁ КУБОГИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Ўзбекистон футбол терма жамоаси “Осиё кубоги — 2026”га тайёргарликни давом эттирмоқда.



Нодир Элибоев мураббийлигидаги футболчиларимиз декабрь ойидаги ФИФА кунларидан унумли фойдаланиб, жаҳоннинг энг кучли жамоаларидан бири — дунё рейтингига 5-ўриндан жой олган Россия терма жамоасига қарши иккита халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказарди.

Икки томоннинг келишувига қўра, ўйинлар Бухоро шаҳридаги “Универсал” спорт мажмуасида бўлиб ўтади. 19 ва 21 декабрга режалаштирилган баҳс учун таркибга 18 нафар футболчи жалб қилинган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
“Халқ сўзи” тайёрлади.

Интилиш ЧИҚИНДИДАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ

Яқин пайтгача Наманган вилоятида узоқ муддатга мўлжалланган чиқинди полигони йўқлиги ва борларини ҳам жойдан-жойга кўчиришга тўғри келаётгани муаммога айланган. Эндиликда Чуст туманининг “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлаштирилаётган экосаноат зонаси масаласга мақбул ечим бўлади.

Бу ерда танлаб олинган 15 гектар майдоннинг 10 гектарида “Everbright Environmental Energy Namangan” хорижий корхонаси томонидан хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қиймати 150 млн. долларлик “Чиқиндини ёқиб орқали электр энергия ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга оширилади.

Келгуси йилда биринчи навбати битказилиб, 2027 йилда тўла фойдаланишга топширилиши режалашти-

рилган корхона катта қувватга эга. Унда 547,5 минг тонна чиқиндини қайта ишлаб, 310 млн. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади ва 254 млн. кВт-соати тармоққа узатилади. Бу тахминан 300 минг аҳолининг йиллик электр энергияга бўлган эҳтиёжига тенг.

— Янги лойиҳа ижроси билан бир кунда ўртача 1450 тонна, йиллик 529,3 минг тонна чиқиндини тўплаб тўлиқ қайта ишлаш имконияти вужуд-

га келади, — дейди вилоят экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Қобилжон Мираҳмедов. — Дастлабки босқичда 6 та тумандан йиғилган чиқиндилар Тўрақўрғон туманидаги қайта юклаш станциясига келтирилиб сараланади ва ушбу корхонага олиб келинади. Қувватлар тўла ўзлаштирилгандан сўнг бутун вилоят ҳудуди айни тизим билан қоплаб олинади.

Вилоятда экологик мувозанатни яхшилашга хизмат қиладиган ушбу долзарб лойиҳага старт берилгани наманганликларни мамнун этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
“Халқ сўзи”.

2026-2027 йилларда «HAMRON» хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси» МЧЖ томонидан 2,8 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳафтадаги маълумотларни юқори олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган қўғамалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.25 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6